

НИКЛАС ЛУМАННИНГ ЖАМИЯТДА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ УРНИГА ДОИР НАЗАРИЙ КАРАЛАШЛАРИ

Ш.Т. Кудратходжаев, PhD, доцент, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Изоҳ: Мақолада жамиятдаги турли ўзаро алоқалар, уларни асосан коммуникациялардан иборат эканлиги, жамиятни баҳолашдаги анъанавий қарашларнинг эскирганлиги, замонавий жамиятларнинг ўзини ўзи такроран яратиши каби назариялар Никлас Луманнинг асарлари воситасида таҳлил этилади. Шунингдек, мақолада коммуникация воситаларининг ривожланиш истикболларига доир турли талқинлар бир-бирларига қиёсий тарзда ўрганилади..

Калит сўзлар: Коммуникация, аутопойезис, ахборот жамияти, ахборот коммуникация технологиялари, фуқаролик жамияти, коммуникатив алоқалар, жамиятдаги коммуникациявий жараёнлар, ахборот узатиш, ахборот қабул қилиш, жамиятда одамларнинг ўрни, ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши.

Кириш ва гипотеза

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамиятга доир назарий қарашларда туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ҳолат албатта, бу даврда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кеча бошлади. Аксарият олимлар фуқаролик жамиятини институционал жиҳатларига эътибор берса, яна бир гуруҳ олимлар уни аҳолининг дунёқараши ва ўрта ижтимоий қатламнинг ривожланиш жараёнига боғлаб талқин қила бошлади. Яна бир гуруҳ олимлар эса жамиятни коммуникация тармоқлари сифатидаги жиҳатларини очиб бера бошлади. Немис олими Никлас Луманнинг жамиятни тизимли таҳлили асосида шакллантирган хулосаларига кўпчилик олимлар қўшилмасада, бизнингча унинг бу соҳадаги назарий қарашларида мантикий моҳиятга мансуб жиҳатлар мавжуд. Н. Луманнинг фикрича “жамият одамлардан ёки одамлар ўртасидаги муносабат ва алоқалардан иборатдир. Одамлар жамиятда эмас, балки уни ўраб турган муҳитда мавжуд бўлади. Жамият (ижтимоий тизим) аутопойетик тизим бўлиб, у турли элементлар тармоқлари, коммуникациялар тармоқлари воситасида ишлаб чиқиляётган ва қайтадан ишлаб чиқариляётган коммуникациялардан иборатдир (Луман, 1994, 27-31).

Натижалар ва муҳокама

Н. Луман тлгари сурган тушунча “аутопойезис” — бу “шундай тизилмаки, у ўзининг “хусусий ҳолати”ни ўзи ифодалайди, яъни, у тизим компонентларининг шундай унумли ўзаро хатти-ҳаракатларики, айни ана шу компонентларнинг ўзи уларнинг натижаси ўлароқ намоён бўлади. Аутопойезиснинг кўринишлари (ҳодисалари) тўплами ҳаддан ташқари кенг: ғишт заводининг ўзи ғиштлардан қурилгани ҳолда ғиштлар ишлаб чиқаради; организм (органлар ва хужайралардан иборат бўлган) органлар ва хужайраларнинг ўзаро хатти-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ишлаб чиқарилади; тил тиллар ҳақида сўзлашга имкон берувчи алоҳида тизимдир, яъни, унинг ўзи ўзи ҳақида гапиради, ва, шунингдек, тил воситасида қандай сўзлаш ва сўзларни қандай талаффуз қилиш масаласи ечилади. Шундай иккиланиш ёки иккига бўлиниш (дифферен-

KUDRATHODJAYEV Sherzod
Tajiddinovich, Candidate of
Political Sciences, Associate
Professor, Rector of Journalism
and Mass Communications
University of Uzbekistan

КУДРАТХОДЖАЕВ
Шерзод Таджиддинович,
кандидат политических наук,
доцент, ректор Университета
журналистики и массовых
коммуникаций Узбекистана

ция) функцияси доимо ўз унсурларини туғиб турадиган яхлитликни такрор ва такрор яратиб туради. Ана шу хилдаги воқелик жамият ҳақидаги ўз назарияларини шакллантирган социология (жамиятнинг бир қисми сифатида) учун ҳам тааллуқлидир. Устига-устак ана шу назарияларнинг ўзи коммуникатив ҳаракатлардан иборат бўлганлиги учун ҳам жамиятни ифодалайди. Шунингдек, фанни таҳлил қилувчи билиш назариясининг ўзи фандан иборат ва унинг ўзи бевосита фанларни яратишда иштирок этади (Қирғизбоев, 2017).

Н. Луманнинг фикрича, аутопойетик тизимлар ўзини ўзи такрор ёки қайта ишлаб чиқариш қобилиятига эгадир. Агар тизим ўзи билан ўзи алоқалар ўрната олса, албатта у ўзини қайта ишлаб чиқара олади. У бу қобилиятни ўзини ўзи референциялаш (Референция) деб атайди. Ўзини ўзи референциялаш тизимнинг ўзлигини тавсифлашнинг зарурий шарт-шароити сифатида намоён бўлади (Луман, 2007, 32,39).

У давом этиб, ҳозирги давр тизимли тадқиқотларда ўзини ўзи референциялашни ўзини ўзи уюштириш (ташқил этиш) сифатида таърифлайди (Ўша жойда, 63). Луманнинг бу фикрларига биолог олимлар қарши чиқиб, жонзод тўқималарининг ўзини ўзи қайта ишлаб чиқара олмаслиги ва жамиятнинг ўзини ўзи қайта ишлаб чиқаришига эътибор беради (масалан, жамият аёллар билан эркеклар миқдорининг табиий равишда мувозанатда туришини ҳеч қандай далиллар тушунтириб бера олмайди).

Н. Луман ўз нуқтаи назарида коммуникацияларни хатти-ҳаракат, сўзлаш, хабар (ахборот) сифатида ифодалаган Э.Гуссерль фикрларига таянади. Н. Луманнинг фикрича, тизимнинг ҳар бир элементи унинг бошқа элементлари билан боғланмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам элементлар ўзаро алоқалари алоҳида ва танланган ҳолатларда рўй бериб туради (Луман, 2004, 147).

Луманнинг фикрича, коммуникация бирдан-бир ижтимоий структура пайдо қилувчи бирлик бўлиб, у ўзининг ички структурага ҳам эга бўлишидан ташқари, айни пайтда, унга элементдан иборат ҳолда намоён бўлади: хабарлар, ахборотлар ва тушуниш. Бироқ, бу унсурларни ўз-ўзидан (ташқари, коммуникацияга ёки ундан кейин) яшайдиган ва мустақил равишдаги мавжудлик, деб қарамаслик лозим. Коммуникация ана шу унсурлар алоқалари натижаси ўлароқ рўёбга чиқади, хабарлар ва ахборотларни фарқлаш ва бир-биридан ажратиш жараёни уни яратади. Коммуникация ана шу фарқлаш мавжуд бўлган жойда амалга ошади: хабарлардан ахборотлар ажралиб чиқади. Бу фарқлашларни (бир вақтнинг ўзида уларнинг яхлитлигини) англаш хабарлар ва ахборотларни тушунишга олиб боради.

Ахборот — бу “фарқлашни яратувчи фарқлашдир”. “Хабар берувчи” яппи хабарлар ичидан фақат сўзлашиш мумкин хабарларни юборади (биринчи фарқланиш). Хабарни “қабул қилувчи” унинг ичидан ахборотни ажратиш олар экан, бу билан у медиум ичидан барча нарсаларни эмас, балки фақат ўз суҳбатдошига нимани хабар қилишни истаётган бўлса ана ўшанигина ажратиш олади, сўнгра уни суҳбатдошига юборади (иккинчи фарқланиш). Ахборот коммуникацияни ўзгартиради, унинг ортидан кейинги коммуникацияни киритади ёки талаб қилади. Агар кимгадир товарни сотиб олиш таклиф этилган бўлса, хабарлар ичидан (айтайлик, реклама ичидан) у ўзига кераклиларини олиб, қолган хабарларга нисбатан ўз диққатини қаратмайди, фақат ўзи сотиб олмоқчи бўлган товарнинг хоссаларига доир ахборотларнигина ажратиш олади. Бу ҳолат ўз ортидан иккинчи коммуникацияни (сотиб олиш ва

пул тўлаш) юзага келтиради.

Бунда муаммо шундаки, хабарлардаги ахборот ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Хабардаги ахборот мазкур коммуникация бошлагунча мавжуд бўлган объект ёки билимларнинг хоссаларини топишдан иборат бўлмаган жуда ҳам ихтиёрий тузилма – коммуникация натижасидир. Шунинг учун ҳам ахборотни хотирада “қайта ишлаб”, унга қандайдир янгиликни “сиқиб киргизиб” ёки “бошқа ахборот ташувчи учун қайтадан ёзиб” бўлмайди. Компьютер, инсон ёки коммуникация хотира-сида керак бўлган пайтда “чиқариб олинган” ахборотлар сақланади, дейиш – бу ўзини ўзи алдашдир. Ҳеч ерда сақланмайдиган, ўз имкони-ятдан келиб чиққан ҳолдаги ахборотларга эга бўлган ахборот ташув-чилар (контейнерлар, дискетлар, ҳужжатлар, китоблар, турли ёзувлар) билан долзарблашиб турувчи – хабардаги тезкорлик ва бир марталик-та-фовутликка эга, унинг лоқайдликка олиб келадиган фарқланиш даража-лари, коммуникация тизимини давом этишини ёки ўзгаришини талаб қилаётган ахборотларни бир-биридан адаштирмаслик лозим. Хабарлар қандайдир даражада “ташувчи” - ахборот контейнери сифатида намоён бўлиши мумкин; тил, кассета, компьютернинг қаттиқ диски – улар ха-барларнинг функционал (эквиваленти) ўрнини босувчилардир. Умуман олганда, Н. Луманнинг тизимли назарияни тадқиқ этиши на-тижасида жамиятни тушуниш ва анлашга доир янгича қарашлар ша-клланди. Унинг фикрича, жамият – бу бир бутун тизим бўлиб, у ўз ўр-нида яна қўшлаб ижтимоий тизимлардан иборат бўлиб, улар ўзларининг функционал жиҳатларини доимо намоён қилиб туради. Жамият ўзи-нинг ичидаги асосий муносабатлар ҳосиласи ўлароқ коммуникация-ларни яратади, улар ўз навбатида жамиятнинг функционал остки ти-зимларини бир-бирига боғлаб турувчи бўғин вазифасини бажаради. Шу тариқа, жамиятдаги коммуникация – бу учта танловлар натижа-сини бир-бирига уйғунлаштиради: ахборот, хабар, тушуниш. Бу уйғун-лаштириш (синтезлаш) воситаси кейинги танлаб олинган коммуни-кацияларни бирлаштириб, бунда тизим ўзининг яратувчилик ва қайта яратувчилик функциясини бажаради. Шунинг учун ҳам Луман комму-никациялашни одам ва унинг онги эмас, балки коммуникациянинг ўзи бажаради (Луман, 2004, 110). Луман назариясида инсоннинг коммуни-кация ташувчи сифатидаги функцияси, яъни субъекти сифатида эътиборга олинмайди. Инсон тизимни ўраб турган муҳитда яшовчидир. Комму-никациянинг барча предметлари – ташқи муҳит, одамлар, онг, объек-тлар жамият тизими ичида фақат коммуникатив ҳолда намоён бўлади. Масала бу тарзда қўйилганида жамият тизим сифатида аутопойезисга асосланган ўзаро ички ва ёпиқ кенгликдаги ўзаро муносабатлар ва алоқаларни англатади. Бу билан Луман жамиятни анъанавий тавсифлаш – субъект ва объектларга бўлишни рад этади. Унинг назариясида тизим ва атроф муҳитга тақсимлаш муҳим рол ўйнайди. Тизим ўзини атроф муҳитдан қаттиқ ҳимоя қилсада у бу муҳитсиз яшай олмайди. Тизим ва атроф муҳитнинг ўзаро алоқалари тил ва схема механизмлари ёрдамида билиш тизими ва коммуникациялар тизими бирикиши жараёнларида юз беради. Шу тариқа, Луман тавсифлаган жамият коммуникациялар-сиз яшай олмайди, коммуникациялар эса жамиятдан ташқарида яшай олмайди, ёки “жамиятда нималар юз беришидан қатъий назар уларнинг барчаси коммуникациялардир” (Қаранг, 2012).

Ҳозирги даврга келиб Н.Луманнинг жамиятга доир назарий қа-рашларидаги янгича талқинлар ўз исботини топиб бормокда. Жами-ятдаги коммуникатив муносабатлар йилдан-йилга мураккаблашиб

бормоқда. Жамият ва давлат бошқарувининг барча жиҳатларига коммуникация воситалари жорий этилмоқда. 2017 йилга келиб жаҳонда ахборот технологияларига қилинган харажатлар 3,8 фоизга ўсиб, у 3,5 трлн. АҚШ долларида ошди. 2020 йилда 90 фоиз йирик корхоналар маълумотлар тақдим этиш билан боғлиқ (data-as-a-service) хизмат кўрсатиш, қайта ишланган маълумотлар, таҳлилчилар, уларнинг тавсияларидан келадиган йирик хажмдаги даромадларни ола бошлайди. Бу соҳадаги компаниялар ҳиссаси 50 фоизга етди.

Ўзбекистонда ҳам 2017-2021 йилларга мўлжалланган ахборот коммуникация технологиялари бозори 12,9, улар учун ускуналар 12,1, хизмат кўрсатиш эса 22,1 фоизга ўсиши кутилмоқда. 2021 йилга келиб Ўзбекистон ахборот коммуникация технологиялари бозорини ўсиши 83,5 фоиз бўлиши кутилмоқда (Ниязматов, 2018). Умуман олганда, жамиятнинг ўзи бир неча минг йиллаб ривожланиши жараёнида коммуникатив алоқалар ва муносабатлар сифатида намоён бўлаётган бўлса, эндиликда инсоният томонидан кашф этилган ахборот коммуникацияларини жамиятнинг барча жабҳалари жорий этилиши фуқаролик жамиятига хос бўлган хусусиятларни ривожлантирмоқда. Мутафаккир олимларнинг ахборот жамияти истиболларига доир башоратлари ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

Фойдаланган адабиётлар

Қаранг: Понятие коммуникации в теории общества Никласа Лумана // <http://www.stattonline.org.ua/2012-10-19-21-22-43/29/1135-ponyatie-kommunikacii-v-teorii-obshhestva-niklasa-lumana.html> (дата обращения: 13.05.2023).

Қирғизбоев М. Социология. Ўқув қўлланма.— Т.: Наврўз, 2017.-Б.

Луман Н. Понятие общества // Проблемы теоретической социологии. СПб.: 1994.

Луман Н. Общество как социальная система. — М.: Логос, 2004.

Луман Н. Социальные системы: очерк общей теории. — СПб.: 2007. С. 432,39,32.

Ниязматов А.А. Узбекистан: Реформы в информационно-коммуникационной сфере. 2018 // <https://regnum.ru/news/economy/2464506.html> (дата обращения: 13.05.2023).

Референция [лот. referre хабар бериш] - 1) хизмат ҳақида тавсифнома, тақриз; 2) иш фаолиятида – шахсга ёки корхонага иш фаолиятини баҳолаш, ишончли эканлигини билдиришга доир тавсифнома; референцияларда шахс ёки ташкилотнинг ишлаш фаолияти, кредитларни қайтариш салоҳиятига доир маълумотлар сўраган ерларга берилади.

Ўша жойда.-Б.63.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ НИКЛАСА ЛУМАНА О РОЛИ КОММУНИКАЦИЙ В ОБЩЕСТВЕ

Ш.Т. Кудратоджаев, к.п.н., доцент, Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Аннотация: В статье на примере работ Николаса Лумана проанализированы теории различных взаимодействий в обществе, происходящих на основе коммуникаций. В статье также реализован сравнительный анализ различных трактовок перспектив развития средств коммуникации. Сформулированы выводы об устаревании традиционных взглядов на оценку общества и самовоссоздании современных обществ.

Ключевые слова: Коммуникация, аутопоэзис, информационное общество, информа-

ционно-коммуникационные технологии, гражданское общество, коммуникативные отношения, коммуникативные процессы в обществе, передача информации, прием информации, место человека в обществе, развитие информационно-коммуникативных технологий.

THEORETICAL REFLECTIONS OF NICLAS LUMAN ON THE ROLE OF
COMMUNICATIONS IN SOCIETY

Sh.T. Kudrathodjaev, Candidate of Political Sciences, Associate Professor, Journalism and Mass Communications University of Uzbekistan

Abstract: In the article, on the example of the works of Nicholas Luhmann, theories of various interactions in society that occur on the basis of communications are analyzed. The article also compares various interpretations of the prospects for the development of means of communication. Conclusions are formulated about the obsolescence of traditional views on the assessment of society and the self-regeneration of modern societies.

Keywords: Communication, autopoiesis, information society, information and communication technologies, civil society, communication relations, communication processes in society, transmission of information, reception of information, place of a person in society, development of information and communication technologies.

ISSN 2615-8673
CODEN IJMAUD
DOI: 10.26907/2615-8673